

Мавлоно Зулфиқор Аҳмад Нақшбандийнинг юртимизга ташрифи



08:48 / 24.07.2018 9146

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Қуръони каримда: “Албатта, Аллоҳ Ўзидан бошқа нимага дуо қилаётганларини яхши биладир. Ва У ўта иззатлидир, ўта ҳикматлидир. Ушбу мисолларни одамлар учун келтирурмиз. Лекин уларга фақат олимларнинг ақли етар”, деб нозил қилган буюк Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин.

Албатта, олимлар анбиёларнинг меросхўрларидир. Анбиёлар динорни ҳам, дирҳамни ҳам мерос қолдирмаганлар. Улар илмни мерос қолдирганлар. Ким ўшани олса, улуғ насибани олибди, деб марҳамат қилган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга, у зотнинг аҳли байтларига ва саҳобаларига салавоту саломлар бўлсин.

Жорий йилнинг 18-22 июль кунлари "Nilol-nashr" нашриёт матбааси ташаббуси билан юртимизга Ислом динининг етук тасаввуф шайхларидан ҳисобланган Мавлоно Зулфиқор Аҳмад Нақшбандий ҳафизахуллоҳ ташриф буюрдилар. Бу муҳтарам зот 1953 йил, 1 апрель куни Ҳиндистоннинг шимолий-ғарбидаги Панжоб вилоятининг Жҳанг ҳудудида дунёга келганлар.

Зулфиқор Аҳмад Нақшбандий 1967 йилда ўрта мактабни, 1971 йилда Панжоб Унверситетини муҳандислик ихтисослиги бўйича битирганлар. Ҳазрат асосий ихтисосликларидан ташқари спорт турларидан сузиш, гимнастика, крикет ва футбол бўйича ҳам мутахасислик соҳиби бўлганлар. Дунёвий билимлар қаторида диний таълимга ҳам катта этибор берганлар. Каломуллоҳни тўлиқ ёдлаб, ҳофизи Қуръон бўлганлар. Ҳадисларга оид билимларни “Жомия Реҳмания Жаҳания Манди” (тасаввуф мактаби) ва Милтандаги “Жамия улумия” номли таълим муассасаларида олганлар. Муҳандислик ихтисослигини битиргач, Покистоннинг энг нуфузли саноат корхонасида инженер-механик бўлиб иш бошлаганлар. Аста-секин тараққий этиб бориб, шу корхонади бош муҳандис лавозимига кўтарилганлар. Қирқ ёшга етгач, эгалаб турган лавозимдан истеъфога чиқиб, диний илмларни ривожлантиришни мақсад қилганлар. У зотнинг тасаввуфга бўлган қизиқишлари замонасининг жуда ҳам кўп олиму фозиллари ҳузурида илм олишларига, изланишлар олиб боришларига сабаб бўлди. 1983 йилда Нақшбандия тариқатининг муршиди Ҳазрати Ҳожа Ғулом Ҳабиб раҳматуллоҳи алайҳ тарафларидан халфалик мақомини олганлар. Шу пайтдан буён юз минглаб тасаввуф ихлосмандлари қалбларини ҳол илми бўлмиш тасаввуфнинг нозик жиҳатларидан хабардор қилиб келмоқдалар. Бу зот замонамизнинг етук тасаввуф шайхларидан ҳисобланади.

Мавлоно Зулфиқор Аҳмад Нақшбандий ҳафизахуллоҳ 1992 ва 1998 йилларда ҳам Ўзбекистонга ташриф буюрганлар. Бу сафарлари ҳақида “Лаҳур сэ та ҳакэ Бухоро о Самарқанд” номли ажойиб китоб ёзганлар. Шайх Зулфиқор Аҳмад Нақшбандий ҳазратлари ҳозирда Лоҳур шаҳрида истиқомат қиладилар.

Шайх ҳазратлари Ўзбекистонга қилган бу галги ташрифлари давомида Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси раиси муфтий Усмонхон Алимов билан учрашдилар ҳамда улар билан самимий суҳбатда бўлдилар. Суҳбат якунида Мусҳафи шарифни зиёрат қилдилар. Шундан сўнг Самарқанд шаҳри зиёратида ҳам бўлдилар. Сафар асносида бўлиб ўтган учрашувлар

чоғида Нақшбандия тариқати таълимоти бўйича маърузалар ҳам қилдилар.

Ташрифларининг сўнги куни "Hilol-nashr" нашриёт матбааси мажлислар залида ўтказилган йиғилишда "Аллоҳга муҳаббат - муҳаббатларнинг энг аълоси" мавзусида илмий-маърифий маъруза қилиб бердилар. Маъруза ўзининг илмийлиги ва бой ҳаётий тажрибага асосланганлиги боис, йиғилиш қатнашчиларида жуда ҳам катта таассуротлар қолдирди.

Image not found or type unknown




Image not found or type unknown




Image not found or type unknown





Image not found or type unknown



Islom.uz